

**Фуқароларнинг <https://www.gazeta.uz/ru/2024/11/15/housing/>,
<https://kun.uz/kr/60295612> интернет сайтларида чоп этган мақолаларига
жавобан**

Жорий йилнинг 16 ноябрда интернет ахборот тизимларида “Айрим бошқарув сервис компаниялари шартномаларида асоссиз шартлар белгилангани аниқланди” мавзусида мақолалар чоп этилган.

Рақобат кўмитаси қайд этишича, кўмига ва унинг ҳудудий тузилмаларига фуқаролардан бошқарув сервис компаниялари (БСК) ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлардан норозилик билдирилган кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

Мурожаатлар ўрганилганда бошқарув органлари томонидан мулкдорларнинг умумий йиғилишларни ўтказилмаслиги, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар очик тақдим этилмаслиги ва ҳисоботлар билан танишиш учун онлайн имкониятларнинг мавжуд эмаслиги шунингдек, кўрсатилмаган хизматлар учун асоссиз қарздорликлар ҳисобланаётгани маълум бўлган.

Ушбу ҳолатлар борасида асосий эътиборни Қонунларга қаратиш лозимлиги белгилаб ўтиш жоиз.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 ноябрдаги “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги ЎРҚ-581-сонли Қонунининг асосий мақсади кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу Қонуннинг амал қилиши кўп квартирали уйлардаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорларига, кўп квартирали уйни бошқарувчи ташкилотлар ва бошқарувчиларга, уй-жой мулкдорларининг ширкатларига, шунингдек фаолияти кўп квартирали уйларни бошқариш билан боғлиқ бўлган бошқа шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Шу билан бирга “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги ЎРҚ-581-сонли Қонуни 28-моддасининг 11-хатбошига кўра, агар бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи шартнома шартларини бажармаса, кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорлари умумий йиғилиш қарорига асосан кўп квартирали уйни бошқариш шартномасини бажаришдан бир томонлама тартибда воз кечишга ва бошқа бошқарувчи ташкилотни ёки бошқарувчини танлаш тўғрисида қарор қабул қилиши асосий ҳуқуқларидан бири бўлиб, лекин шартноманинг томонларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги бўлимида мулкдорнинг ҳеч қандай ҳуқуқи акс эттирилмаган бўлса ҳам, унда Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ икки томонлама ҳуқуқлар амалга оширилиши лозим.

Бундан ташқари бошқарув ташкилотлар томонидан табиий газ, электр энергия ва ичимлик сувини ўчирилишида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ҳукумат томонидан ҳеч қандай меъёрий ҳужжатлар

тасдиқланмаган. Шу боис, улар томонидан хизмат кўрсатиш шартномаларида бу шартларни қўллаш ноўрин.

Бундай ҳолатлар Тошкент шаҳрида юзага келганда Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясига +99871-235-31-00 телефонга мурожаат қилиниши тавсия этилади.